Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 33,0 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,6 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 653,9 млн.тн-км.ни ташкил қилди ва 105,9 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн.тн	33,0	117,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	33,0	117,6
Юк айланмаси, млн. тн-км	653,9	105,9
шу жумладан:		
автомобил транспортида	653,9	105,9

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 104,2 фоизга кўпайди ва 438,8 млн.тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 67,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 68,2 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 368,7 млн.киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 104,7 фоизга кўпайиб, 4823,0 млн.йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	368,7	105,4
шу жумладан, автомобил транспортида	354,1	106,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	4823,0	104,7
шу жумладан, автомобил транспортида	4717,2	104,8

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 104,5 фоизга кўпайди ва 3806,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 80,7 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 80,8 фоиз).